

Инсон ва қонун

www.hudud24.uz

2021 йил 11 май
сешанба
№ 19 (1275)

- www.hudud24.uz
- insonvaqonun@adliya.uz
- fb.com/hudud24official/
- t.me/hudud24official/

hudud24
Endi 24 soat o'z ishini biladi!

- Энг сўнги хабарлар
- Хўшхўр маълумотлар
- Тахлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

БУГУНГИ кунда маънавий қадриятларимизнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, буюк аждодларимизнинг бой илмий-маърифий меросида улуғланган, халқимиз томонидан асрлар давомида эъзозлаб келинаётган инсонпарварлик, шукроналик, бағрикенглик, меҳр-оқибат ва саховат туйғуларини кучайтириш ҳамда муборак Рамазон ҳайитини муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2021 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни **13 май – пай-**

шанба кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инobatга олиб, мамлакатимизда 2021 йил **13 май** Рамазон ҳайити байрами сифатида нишонлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “2021 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида”ги ПФ-6122-сон Фармонига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги ПФ-6222-сон Фармони билан 2021 йил **14–15 май**

кунлари қўшимча дам олиш кунлари сифатида белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Рамазон ҳайитининг **карантин талабларига** мувофиқ, халқимизнинг миллий ва диний анъаналарига мос равишда ўтказилиши учун тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри,
2021 йил 10 май

КОНСТИТУЦИЈАВИЙ СУДДА НИМАЛАР ЎЗГАРДИ?

ФУҚАРОЛАР ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР ҲАМ
Конституциявий судга мурожаат этиши мумкин

Конституциявий суд доимий фаолият юритувчи суд ҳокимияти органи бўлиб, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўради

Конституциявий суд конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни муайян ишда қўлланилган ва Конституцияга мувофиқ бўлмаган қонунда бузилган, деб ҳисобловчи фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг шикоятларини ҳам кўриб чиқиши белгиланди

Конституциявий суд раис ва унинг ўринбосарини қўшган ҳолда **9 нафар** судьядан иборат бўлади. Илгари **7 нафар** эди

Конституциявий суд судьясининг ваколатлари муддати биринчи марта сайланганда **5 йилни** навбатдаги сайланганда **10 йилни** ташкил этади.

Конституциявий суднинг ҳужжатлари **барча давлат органлари** нодавлат нотижорат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун **мажбурийдир**

Конституциявий суд судьясига Олий ёки Биринчи малака даражалари берилди. Олий малака даражаси Президент томонидан, Биринчи малака даражаси Конституциявий суд томонидан берилди.

Илгари ҳар иккала даража ҳам Президент томонидан берилган

Конституциявий суд судьясига нисбатан **қамоқда олиш тарзидаги эҳтиёт чораси унга ўта оғир жиноят ёхуд одамнинг ўлимига сабаб бўлган** бошқа қасддан жиноят содир этганлик айби қўйилган ҳоллардагина қўлланилиши мумкин.

Ушбу тартиб Конституциявий суднинг судья сифатида ишлаган даврида шундай жиноятни содир этганликда айбланаётган собиқ судьясига нисбатан ҳам қўлланилади.

Илгари ушбу тартиб **БЕЛГИЛАНМАГАН** ЭДИ

Давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни сақлаш зарур бўлганда суднинг ёпиқ мажлиси ўтказилишига йўл қўйилиши белгиланди.

Илгари ёпиқ суд мажлисини ўтказиш асослари аниқ кўрсатилмаган эди

Илгари ёпиқ суд мажлисини ўтказиш асослари аниқ кўрсатилмаган эди

Асос: ЎРҚ-687-сон, 27.04.2021 й. | @huquqiyaxborot

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 2021 йил 27 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, бир қанча янгилıklar амалиётга татбиқ этилди.

Биринчидан, Конституциявий суд раис ва унинг ўринбосарини қўшган ҳолда 9 нафар судьядан иборат бўлди (илгари 7 нафар эди).

Иккинчидан, Конституциявий суд судьясига олий ёки биринчи малака даражалари берилди. Олий малака даражаси Президент томонидан, биринчи малака даражаси Конституциявий суд томонидан берилди.

Илгари ҳар иккала даража ҳам Президент томонидан берилган.

Учинчидан, Конституциявий суд судьясига нисбатан қамоқда олиш тарзидаги эҳтиёт чораси унга ўта оғир жиноят ёхуд одамнинг ўлимига сабаб бўлган бошқа қасддан жиноят содир этганлик айби қўйилган ҳоллардагина қўлланилиши мумкин.

Ушбу тартиб Конституциявий суднинг судья сифатида ишлаган даврида шундай жиноятни содир этганликда айбланаётган собиқ судьясига нисбатан ҳам қўлланилади. Илгари бундай тартиб белгиланмаган эди.

Тўртинчидан, давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни сақлаш зарур бўлганда суднинг ёпиқ мажлиси ўтказилишига йўл қўйилиши белгиланди.

Илгари ёпиқ суд мажлисини ўтказиш асослари аниқ кўрсатилмаган эди.

Бешинчидан, фуқаролар ва юридик шахслар, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) ўринбосари — Бола ҳуқуқлари бўйича вакила Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилиб, Конституциявий судга мурожаат қилувчи субъектлар доираси кенгайтирилди.

Муслимбек НУРМУҲАММЕДОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

ТАРТИБГА СОЛИШ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ ТИЗИМИ БУ ҲАҚДА НИМАЛАРНИ БИЛАСИЗ?

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ томонидан 2021 йил 15 мартда қабул қилинган
“Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида”ги

Қарор янги инновацион “ақлли тартибга солиш” усулларини жорий этиш
бўйича устувор вазифаларни белгилаб берди.



Жаҳон тажрибасида тартибга солиш таъсирини баҳолаш институти бозор иқтисодиётининг асосий тамойилларига зарар етказмаган ҳолда давлатнинг сифатли ва мувозанатлашган норматив-ҳуқуқий базасини шакллантириш мақсадида қўлланилаётганини кўришимиз мумкин.

Мамлакатимизда ҳам тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимининг мавжуд бўлиши фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари учун ниҳоятда аҳамиятлидир.

Натижада тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахл этувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини қабул қилишда қўшимча ҳисоб-китоблар амалга оширилади, уларнинг асосланганлиги пухта ўрганилади. Асоссиз равишда янги чекловлар, руҳсат бериш тартиб-таомиллари ва лицензиялар жорий этилишининг, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари қисқартирилиши ёки уларга қўшимча мажбуриятлар юклатилишининг олди олинади. Бу орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш чоралари кўрилади.

Ривожланиш тарихи

Тартибга солиш таъсирини баҳолаш институтининг ривожланиш тарихига назар соладиган бўлсак, мазкур институт жаҳонда 1960 йиллардан бошлаб қўлланила бошланган. Илк мартаба ушбу тизим Данияда 1966 йилда давлат секторининг иқтисодий ва маъмурий таъсирини баҳолаш мақсадида қўлланилган.

Ҳозирги вақтда тартибга солиш таъсирини баҳолаш 60 дан ортиқ давлатларда кенг қўлланилади. Мисол учун, АҚШда Президент Администрациясида Тартибга солиш хизмати, Буюк Британияда эса, Ҳукумат аппаратида Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бюроси ва алоҳида Тартибга солиш сиёсати бўйича кўмита, Жанубий Кореяда Тартибга солиш инспекцияси қўмитаси фаолият кўрсатмоқда.

Мазкур институт мамлакатимизда ҳам анчадан бери

босқичма-босқич ривожланиб келмоқда. Тарихга назар соладиган бўлсак, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 26 декабрдаги Қонун ҳужжатларини баҳолаш тизимини жорий этишга оид қарори асосида қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш бўйича махсус ишчи гуруҳ тузилди. Мазкур тизимни жорий этишга қаратилган бир қатор ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 декабрдаги “Қонун ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан мамлакатимизда илк мартаба тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга таъсир этадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Интерактив давлат хизматлари ягона порталида муҳокама қилиш ва тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш учун жойлаштирилиши тартиби жорий этилди.

Кейинчалик Президентимизнинг 2018 йил 8 августдаги Фармони билан тасдиқланган Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясида тартибга солиш таъсирини баҳолаш институти комплекс ҳуқуқий институт сифатида шакллантириш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Бу борада навбатдаги муҳим қадам — Президентимизнинг 2019 йил 29 январдаги “Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик вазифалари амалга оширилиши самарадорлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг маъсулиятини оширишга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони билан Вазирлар Маҳкамасининг Юридик таъминлаш бошқармаси таркибида Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўлими ташкил этилиши бўлди.

Тартибга солиш таъсирини баҳолашга қимлар масъул?

Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича навбатдаги муҳим босқич давлатимиз раҳ-

барининг 2020 йил 27 сентябрдаги “Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бўлди. Ушбу ҳужжат билан тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг уч поғонали вертикал тизими йўлга қўйилди. Хусусан, энг қуйи поғонада — давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг марказий аппаратлари тузилмасида тартибга солиш таъсирини баҳолашга масъул ходимлар белгиланди.

Ўрта поғонада — тартибга солиш таъсирини баҳолаш жадалдаги махсус ваколатли орган сифатида Адлия вазирлиги марказий аппаратида Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бошқармаси ташкил этилди.

Юқори поғонада — Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасида Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўлими фаолият юритмоқда.

Мазкур Фармон билан тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди. Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича тахлилий материаллар лойиҳанинг жамоатчилик муҳокамаси, келишув ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш босқичларида илова қилиниши белгиланди.

Барчамизга маълум, охириги йилларда норма ижодкорлиги жараёни сезиларли даражада тартибга солиш таъсирини баҳолаш институтининг жорий этилиши унинг имкониятларидан самарали ва тўғри фойдаланишни тақозо этади. Бу эса, иккита муҳим омилга — малакали, тажрибали кадрлар ҳамда пухта ишланган, содда методикага боғлиқ.

Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича янги тизимни ҳаётга татбиқ этишда асосий эътибор айнан давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ушбу масала учун масъул ходимларининг малака ва кўникмаларини ошириб боришга қаратилиши лозим.

Қарорда мазкур ходимларга тартибга солиш таъсирини баҳо-

лашдан ўтказишнинг моҳияти ва тартибини тушунтириш бўйича ўқув семинарларини ташкил этиб бориш бўйича алоҳида режа тасдиқлаш назарда тутилган. Ўқув семинарлар вазирликлар, идоралар ҳамда ҳудудлар кесимида график асосида ташкил этилиши лозим. Бунда дастлаб ўқитишда иштирок этувчи тренерлар, экспертлар танлаб олинishi, улар учун ягона ўқув-методик материаллар шакллантирилиши лозим. Ўқув семинарларда энг кўп берилган саволларнинг рўйхати шакллантирилиб, улар юзасидан вазирлик ва идораларга ёзма тушунтиришлар тайёрлаб, тарқатилиши зарур.

Бу семинарлар доимий равишда, ҳар йили камиди бир мартаба ўтказиб борилиши керак. Мазкур соҳа янги бўлгани учун амалиётда учраётган муаммоларни аниқлаб, уларни биргаликда муҳокама қилиб, ягона ечимга келишимиз лозим.

Адлия вазирлиги қўшимча беришга вазифа юкланди

Мазкур қарор билан Адлия вазирлиги зиммасига тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича қўшимча равишда бешта вазифа юкланди.

Ушбу вазифалар ижросини самарали ташкил этишда вазирликнинг Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бошқармаси координатор сифатида муҳим ўрин эгаллайди.

Шу боис, Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бошқармаси штат жадвалини, низомини, ходимларнинг функционал мажбуриятларини тасдиқлашда юқоридаги вазифаларни инобатга олиш, зарур бўлса, ҳар бир вазифага алоҳида масъул ходимларни бириктириш зарур.

Қарорда Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро рейтинглардаги кўрсаткичларини тизимли таҳлил қилиб бориш ҳамда уларни янада яхшилаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Жаҳон банкнинг Давлат бошқаруви сифати индексининг (World Governance Indicators) муҳим таркибий қисми ҳисобланган Тартибга солиш сифати рейтингини (Regulatory Quality

Ranking) мавжуд. Ўзбекистон ушбу рейтингда 193 та давлат ичида 169-ўринни эгаллаган. Қўшни давлатлар, масалан, Қозоғистон — 73, Қирғизистон — 116-ўринда эканлиги ушбу масала билан мамлакатимизда тизимли равишда шуғулланиш зарурлигини далolat беради.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали ҳамда Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизимини қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш зарур. Шу мақсадда Адлия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда тегишли чора-тадбирларни амалга ошириши лозим. Шу билан бирга, вазирлик ва идораларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш учун масъул бўлган ходимлари, Адлия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт вазирлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар масъул ходимлари мазкур тизимни жорий этишда дуч келаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича доимий мулоқот қилиши учун платформа ташкил этилиши мақсадга мувофиқ.

Норма ижодкорлигида “ақлли тартибга солиш” модели элементларини қўллаш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнлари сифатини тубдан оширади. Ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифати ҳамда уларнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлаш бўйича амалий тизим етарлича ишлайди. Натижада, қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини самарасиз тартибга солиш оқибатида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари кўрган фойда ва чиқимлардан келиб чиққан ҳолда баҳолашнинг самарали тизими жорий этилади.

Даврон ҚАЛАНДАРОВ,
Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи,
Жаҳонгир САҒАРОВ,
Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармаси бўлим мудири, юридик фандор доктори

Шу кунларда бутун дунё мўмин-мусулмонлари, жумладан, халқимиз ҳам Рамазон ҳайитини кутиб олиш арафасида турибди. Шу муносабат билан бу йилги Рамазон ойи юртимизда қандай ўтганлиги ҳамда Рамазон ҳайитининг хайрли амаллари ҳақида Тошкент шаҳридаги “Масжидул Хайр” жоме масжиди имом-хатиби Абдурашид УСМОНОВнинг фикр-мулоҳазаларини келтириб ўтмоқчимиз.

Ҳайит азахонлик эмас, хурсандчилик маросими!

— Рамазон ойи — хайру саховат ойдир! Исло динимиз наздида “хайру саховат” деганда, албатта, биринчи галда “мухтожларга ёрдам бериш” тушунилади. Бу борда Аллох таоло куйидагича марҳамат қилади:

“Аллох йўлида молларини эҳсон қилувчилар (савобининг) мисоли гўё бир донга ўхшайдики, у хар бир бошоғида юзтадан дони бўлган еттига бошқони ундириб чиқаради. Аллох хоҳлаган кишиларга (савобини) янада кўпайтириб беради. Аллох (карами) кенг ва билимдон зотдир” (Бақара сураси, 261-оят).

Аллох таоло Ўз фазли билан бой қилган бандалари бўйнида нисобга етган молларидан мухтож ва камбағалларга закот, хайр-эҳсон қилшдан кўзланган асосий мақсад — жамиятда бир қадар тенглик пайдо қилиш, бой ва фақир ўртасида яқин муносабатларни вужудга келтириш, Исло динининг нақадар инсонпарвар, меҳр-муруватга тарғиб қилувчи дин эканини намойиш қилиш, қолаверса, закот берувчининг молини поклаб, уни талафотдан асраш ва яна ҳам кўпайишига замин тайёрлашдир. Зеро, Пайғамбаримиз Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам бундай деганлар:

Абу Хурайра разияллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам: “Ким бир мўминнинг дунё кайгуларидан бирини кетказса, Аллох унинг қиёмат кундаги кайгуларидан бирини кетказсади. Ким дунёда бир қийналган (биродари)нинг оғирини енгил қилса, Аллох таоло унинг қиёматдаги оғирини енгил қилади. Ким

бир мусулмонни айбини беркитса, Аллох таоло уни дунё ва охирадаги айбларини яширади. Қайси бир банда биродарининг ёрдамида бўлса, Аллох таоло ҳам унинг ёрдамида бўлади”, деганлар (Имом Муслим ривояти).

Шу боис бу улуг кунларни ганимат билиб, савоб ва фазилатларидан умидвор бўлган ҳолда оиламиз, яқинларимиз, кўни-қўшни ва яқинларимиз ҳолларидан хабар олишимиз даркор бўлади. Зеро яхшиликнинг ажри — фақат яхшиликдир! Бундай эзгу ишларимиз учун хонадонимиз ва юртимизга файзу футух ва баракотлар ёғилажак.

Яна шуни таъкидлаб ўтишимиз керакки, Аллох таолонинг марҳамати билан ўтган ҳайит билан бугунги ҳайитимиз ўртасида юртимизда барчамизни хурсанд қиладиган кўплаб ижобий ўзгаришлар бўлди, ривожланиш ислохотлари кунма-кун кўз ўнгимизда намоён бўлмоқда. Шаҳар-кишлоқларимиз янада чирой очиб, обод бўлмоқда.

Биз Рамазон ойини қандай ихлос, ғайрат ва сабр билан ўтказган бўлсак, Рамазон Ҳайитини ҳам кўтаринки руҳда, унданда файзлироқ ўтказмоғимиз керак бўлади. Ҳайит бу — хурсандчилик, яхши кайфият ва эзгу ишлар! Рамазон ойи рўзасини эсон-омон тутиб олганимиз учун Яратганга шукроналар айтмоқлигимиз лозим. Шунингдек, ушбу байрам кунларида ҳамма бир-бирини Ҳайит билан самимий муборакбод этади. Ҳайит намозини адо этгандан сўнг биринчи ўринда бизларни дунёга келишимизга сабаби бўлган



мехрибон ота-оналаримизни, қариндош-уруғларимизни ҳамда ёру биродарларимизни бориб зиёрат қиламиз. Уларни кўнглини сўраш ва кўтаришга ҳаракат қиламиз. Айрим сабаблар билан ўзаро аразлашган гина-қудуратли кишилар ҳам бир-бирларини кечириб, ўзаро узрлар айтиб, бир-бирларига кучоқ очадилар.

Дунё ташвишларини бирдам четга суриб, бугунги кунларимизга бир назар солайлик. Аллохнинг назари тушган юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик ҳақида тафаккур қилайлик. Ширин-шакар болажонларнинг шодон кулгусида, нуруний отахон ва онахонларнинг дуога очган қўлларида, мусаффо эсон, зилол сувларнинг жарангида бугунги сурур, озодлик акс этади гўё. Ён-атрофимизда ёки бошқа давлатларда нималар бўлаётганини сизу биз гувоҳи бўлиб турибмиз. Кўпоровчиликлар, хунрезликлар, турли портлашлар садоси остида тонг ортираётган қанчадан-қанча қора кўзлардан сўрайлик тинчлик кадрин! Бизда эса, Яратганга беҳисоб шукр, осойишталик, тинчлик. Бу нёматни хар қанча эъозласак, унинг шукрини хар қанча адо этсак кам.

Хар ҳайит арафасида қайта-қайта тақрорланадиган яна бир гапни эслатиб ўтмоқчимиз: ҳайит — баъзи жойларда бўлаётганидай азахонлик, таъзияхонлик маросими эмас, балки хурсандчилик, яхши кайфият ва эзгу ишлар, фазилатли ой рўзасини эсон-омон,

соғ-саломат тутиб олганимиз учун Аллох таолога ҳамду санолар ва шукроналар изҳор этиш раъздир. Шу кун янги вафот этган кишилар хонадонига бориб, уларнинг мусибатини қайта эсларига солиш ўрнига бу куннинг шукрини адо этиш, ушбу шодиёна кунда ҳаммамизга ардоқли ота-оналаримиз, қавм-қариндошларимиз, улугларимиз зиёратига бориб уларнинг дуоларини олиш, бетоб, мухтож диндошларимиз, умуман барча инсонлар холидан хабардор бўлиш, ёрдамга мухтож кишиларга қўлдан келганича хайр-саховат кўрсатиш, бир-бирларимизни ҳайит билан муборакбод этиш, эски гина-қудуратларни унутиб, силан раҳмини ва инсоний муносабатларни тиклаб олиш ва шу тариқа Аллох таолонинг раҳмат ва мағфиратига сазовор бўлиб олиш хар бир мусулмоннинг байрам кунларидаги энг муҳим вазифаларидан саналади.

Яна бир-бор диёримизда яшовчи барча мўмин-мусулмонларини Рамазон Ҳайити билан самимий муборакбод этамиз! Аллох таолодан юртимиз ҳаммисо, халқимиз ўзаро тинч ва иттифоқликда яшашини, фаровон бўлишини сўраб дуои хайрлар қиламиз!

Мухтарам Юртбошимизнинг эл-юрт манфаати, юртимиз тинчлиги, мамлакатимиз тараққиёти йўлида олиб бораётган эзгу ишларида Яратган ёру мадакор бўлишини сўраб қоламиз!

“Инсон ва қонун” муҳбири
Ёрбек ИСКАНДАРОВА ёзиб олди.

Ўзбекни оқибат асрайди



— БОЛАМ, кўшнинг кўшида хақи бўлади, — дердилар Хосият бувим раҳматли. — Яхши кўнингдаям, ёмон кўнингдаям ёнингда бўладиган шу кўшни. Шу кишлоққа янги кўчиб келганмиз, тандир бошида иссиқ нон узсам, Хадича онамга узатардик, тандирнинг жағига сомса ёпсам ҳам шу кўшига илвардик. Бир этак боласи бизни ҳовлида катта бўлди. Ҳалигача дарвозамиз йўқ, нега, биласанми, кўшнлар яхши. Кўшнинг тинч, сен тинч.

Хосият бувим кўшничлик ҳақида гапирганда кўпича бир ҳикояни эслардилар.

— Ҳамма замонаям хар хил одам бўлади, болам. Уруш йилларида иккита кўшни бўлган экан, бирини қўли калтарок, бири ўзига тўқ. У пайтларда бугунги пахтадай оқ патирлар қайда, бир оила битта зогора нон топса, хурсанд. Одамлар баҳорда кўкка, тут пишнгича етса, баракага етдик, дейдиган пайтлар. Бир кун ночоррок ашайдигани ўзига тўқ кўшнисиникига чиқибди. Кўшниси энди тандирдан нон узган экан, дастурхонга ўрабди-да, кўрпачани тағига беркитиб, устига ўтирволибди. Иссиқ нонни иси келиб туради-ю, болам. Уйда бир ҳовуч уни колмаган, болалари оч ўтирган

кўшниси бу холдан хижолат бўлиб, сўрига ўтирибди. Ночорликдан нон сўраб чиққан экан-да бечора. Ҳали у гапни, хали бу гапни гапирибди бойвачча кўшниси, ҳеч гапи тугамасмиш. Кўрпачани тағидаги нонни иссингича куйсаям бидирмасмиш. Уйдаги ахволни айтган кўшнисига ўзини қийналган қилиб кўрсатибди. Кўшнисиям кета туриб бу кунларам ўтар-кетар, деган экан, болам. Шунанга одамларам бор.

Уйга меҳмон келса, бир коса иссиқ овқат билан иккита нон кўтариб чиқадиган оқибатли кўшнлар ҳозир ҳам бор. Кўшни ҳовлига шох ташлаб ўсган дарахтининг мевасини термайди, хатто шуниям кўшннинг ризки, дейди-да!

Йиллар ўтиб, улғайиб, пойтахтга ўқинишга келиб, ўқиб, ишлаб, баланд-баланд кўп қаватли ижара уйларида яшаб, кўшнисини танимайдиганларни ҳам кўрдик. Қишнинг қирчиллама совуқ кунлари. Янги ижара уйга кўчдик, ишдан келиб ошхонада нима овқат қилсам экан, деб турсам, эшик тақиллаб қолди. Чикдим. Ширингина болакай, жилмайиб салом берди. Қўлида бир лаган манги, устида сардаги билан. — Янги келган кўшнларга, деб

ойим бериб юбордила, — дейди болакай менга қизиксиниб тикилиб.

Ҳали мен раҳмат айтиб-айтмай, зинапоядан югуриб тушаётган тенгдошларига қўшилади-да, чопганича ўйнагани шошилади болакай. Лаганининг иссиқлигини энди сезаман, кўшни болакайнинг қўли куймадимикан, деган хаёлга бораман. Уйга қираман. Қайси кўшнлигиниям сўрамабманку...

Болалигим эсимга тушади. Кипригим беихтиёр намланади. Мен ҳам шу болакай қатори қичкина қизалоқлигимда катталардан хар бир пиширилган таомда, бодгади хар туп дарахтдаги ризка, томоркадаги экинзорда ҳам кўшннинг хақи бўлишини эшитганман. Кўшни аёлининг сезгирлигидан, оқибатидан дилим ёришади. Кўп қаватли уйнинг суёқ бетон деворлари ичида ҳам куёшнинг тафтидек қайноқ меҳр борлигидан қувонаман.

Кўшннига эшигини каттик ёпганлар адашади. Қўшни келса, остонада туриб гаплашади, остонадан кўшнисини киритмайдиганлар ҳам бор. Бир парча ер талашиб, қўздай яқин кўшниси билан алоқани узадиганлар, судлашадиганлар ҳам бор. Ҳовлиснинг бир томони-га иморат солса, кўшнисига айтиб,

бамаслаҳат иш қиладиган, унинг розилигини оладиган, фақат арафа кунларида, хайиту байрамларда эмас, хар кун кўшнисига нимадир иллинадиган яхши қўшнлар ҳам кўп. Динимизни чуқур ўргатадиган муқаддас китобларда ҳам кўшннинг рози-ризолини муҳим экани кўп бор таъкидланади. Исло дини кўшннига оқибатли бўлиш ҳам иймоннинг бир бўлағи эканлигини ўргатади.

Кўшннинг уйига чиқарилган тансиқ овқатни бекорга ёш болаларнинг қўлига бермайди катталаримиз. Бу одатда кўп хикмат бор. Болаликдан меҳр-оқибатни, яхшилик қилишни ўрганган фарзанд оқибатли бўлиб улғаяди.

Хотира ва қадрлаш кунда ҳам жангларда кўксини ўкка тутган ўзбекнинг пахлавонларини, фронт ортидаги машаққатли меҳнатга мардларча елкасини тўтган, уйига қора хат келса ҳам садокати билан қиёматга қадар ибрат бўлиб кетган фаршталарни ёдга олдик. Улар оқибат, меҳр, муҳаббат учун мардларча курашмишди, гул ёшлигининг гўзал дамларини қонли хотираларга алмашишди. Нера?! Негаки, инсон оқибат асрайди, садокат асрайди. Меҳру муҳаббат хар қандай ёвуз душманнинг ҳамласига қалқон бўла олади! Инсоният тарихига қонли саҳифалар билан муҳрланган жангу жадаллар борки, уларнинг ҳаммасида ҳам оқибатли, бир-бирига ҳаммаслақ одамлар галаба қилишган! Бунга тарих гувоҳ, йиллар шохид!

Ўзбекининг боласи

НАВОИЙ

ЙЎҚ СУВ УЧУН ҚАРЗДОРЛИК



ИСАДУЛЛА Пирманов Томди туманининг "Томдидулоқ" овули, "Наврўз" кўчасида истиқомат қилади. Ҳовлисига 3 ой давомида бир томчи ҳам сув келмаган бўлса-да, суддан қарздорлик ҳисобланганлигидан таажжубда. У мазкур масалага оидинлик киритиб беришни сўраб, туман адлия бўлимига мурожаат қилди.

— Қизилқум бағридаги Томди худудига сув келиши авваллари байрам ҳисобланарди. Аммо кейинги йилларда амалга оширилган ислохотлар шарофати билан хонадонларимизга ичимлик суви олиб килинди. Лекин қишда нимагадир сув келиши тўхтаб қолди. Эски ҳолат такрорланиб, яна сув келиши қийинлашяпти шекилли, деб бошида эътибор қилмабмиз. Кейинчалик йўқ сув учун тўловдан қарздорлик ёзилганини кўриб, ҳайрон қолдик, — дейди И.Пирманов.

Аниқланишича, "Томдидулоқ" овул фуқаролар йиғини, "Наврўз", "Базар-Жирау", "Абай", "Айтеке-би", "Толе-би" ва "Янги-Томди" кўчаларида истиқомат қилувчи 42 нафар фуқаронинг хонадонига 2020 йил 20 декабрдан 2021 йилнинг 14 февралига қадар ичимлик суви етиб бормаган.

Мутахассислар текширувидан сўнг туманда ҳаво ҳарорати кескин тушиб кетгани боис, қувурлардаги сув музлагани ва йўл ёпилиб қолгани маълум бўлди.

Эътиборсизлик оқибатида ҳисобланган қарздорлик адлия аралашувидан сўнг ўрганилди. Мутахассислар иштирокида да-лолатнома расмийлаштирилиб, 42 нафар фуқаронинг 7 миллион 599,6 минг сўмлик нореал қарздорлиги ҳисобдан чиқарилди.

Ориф НАСИРОВ,
Томди туман адлия бўлими бошлиғи

ҚОРАҚАЛПОФИСТОН

Ассосиз ҳужжатлар олинган, аммо

АССОСЛИ НАФАҚА ТЎЛАНМАГАН

КЕГЕЙЛИ туман адлия бўлими фуқаро Жулдиз Илалованинг туман Ветеринария бўлими томонидан ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа тайинланмасдан келинганлигидан норози бўлиб йўллаган мурожаатини ўрганиб чиқди.

Аниқланишича, фуқаро Ж.Ипалова туман Ветеринария бўлимига ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа тайинлаш учун ариза ва меҳнатга лаёқатсизлик варақасини топширган, лекин Ветеринария бўлими томонидан кўшимча ҳужжатлар (боланинг тутилганлиги ҳақида гувоҳнома ва никоҳдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома ҳамда паспорт нусхалари) ассосиз равишда талаб қилиниб, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа тайинлан-

масдан келинган.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2002 йил 1 апрелдаги "Давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғига асосан тасдиқланган Низомнинг 40-моддасида ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақани тайинлаш ҳамда тўлаш учун белгиланган тартибда берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақаси асос

бўлиши кўрсатилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, туман адлия бўлими томонидан туман Ветеринария бўлимига тақдимнома киритилиб, фуқаро Жулдиз Ипаловага 2 миллион 222 минг 856 сўм ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа тўлаб берилиши таъминланди.

Баҳадир НАЖИМОВ,
Кегейли туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси



БУХОРО



САВДО ДЎЖОНЛАРИ БУЗИЛГАН

аммо компенсация пули берилмаган

КОГОН туманида яшовчи 9 нафар фуқаро Бухоро вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилиб, ўзларига тегишли бўлган савдо дўжонлари Когон туман ҳокимлиги томонидан бузилиб, компенсация пули тўлаб берилмаётганлигидан норозилигини билдирган.

Мурожаат адлия ходимлари томонидан ўрганилганда, тумандаги Б.Нақшбанд зиёратгоҳи худудида жойлашган савдо дўжонлари вилоят ҳокимининг 2017 йил ноябрь ойидаги фармойишига асосан буздириб ташланганлиги, бироқ давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган ер участкаси учун ер эгасининг розилиги олинмаганлиги ва ердан фойдаланувчи ҳамда ижарага олувчи билан келишув бўйича тегишли

равишда туман ҳокимининг қарори чиқарилмаганлиги, савдо дўжонлари учун тенг миқдордаги ер майдони ва компенсация пуллари тўлаб берилмаганлиги аниқланди.

Шундан сўнг, амалдаги қонунчиликка кўра, вилоят адлия бошқармаси томонидан фуқароларнинг манфаатида жавобгар Когон туман ҳокимлигига нисбатан тенг миқдорда ер участкаси ажратиш ва компенсация тўлаш мажбуриятини юклаш ҳақида фуқаролик ишлари

бўйича Когон туманлараро судига даъво аризалари киритилиб, суднинг ҳал қилув қарорларига кўра жавобгардан фуқаролар фойдасига буздирилган савдо дўжонларининг ер майдонига тенг ер участкаси ажратиш мажбуриятини юклаш ва жами 646 миллион 62 минг 313 сўм миқдордаги компенсация пули ундирилиши белгиланди.

Тўйғун АЗИМОВ,
Бухоро вилоят адлия бошқармаси маъсул ходими

СУРХОНДАРЁ

ТАҚДИМНОМАДАН СЎНГ...

ТЕРМИЗ туман адлия бўлими томонидан тумандаги "Солиобод" маҳалласида яшовчи фуқаро Нурмамат Ашуровнинг хонадонига фойдаланилган табиий газ учун 1 миллион 410 минг 991 сўм ва "Нурафшон" маҳалласида яшовчи фуқаро Лола Жўраева хонадонига фойдаланилган табиий газ учун ассосиз равишда 333 минг сўм қарздорлик ҳисобланиб, "Худудгазтаъминот" АЖ "Худудгаз Сурхондарё" газ таъминоти филиали томонидан ушбу қарздорлик ҳисоблаш базасидан ўчирилмаётганлигидан норози бўлиб йўллаган мурожаатлари ўрганиб чиқилди.

Туман адлия бўлими томонидан фуқаролар Н.Ашуров ва Л.Жўраева-ларнинг мурожаатларида қайд этилган вазяларини ўрганиш яқунлари бўйича "Худудгазтаъминот" АЖ "Худудгаз Сурхондарё" газ таъминоти филиали директори номига мазкур қонунбузилиши ҳолатини бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритилди.

Натижада истеъмолчилар Н.Ашу-

ровнинг хонадонига фойдаланилган табиий газ учун ассосиз равишда ҳисобланган 1 миллион 410 минг 991 сўм ва Л.Жўраеванинг хонадонига фойдаланилган табиий газ учун ҳисобланган 333 минг сўм миқдордаги қардорлик "Биллинггаз" дастуридан чиқарилди.

Баҳодир АШУРОВ,
Термиз туман адлия бўлими бошлиғи

САМАРҚАНД

ПАСТДАРҒОМ туманидаги "Қатортерак" маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро Д.Файзуева ва бошқалар туман мактабгача таълим бўлимига қарашли 2-сон махсус мактабгача таълим муассасасида ишлаганлиги, ушбу муассаса томонидан компенсация ва охириги ҳисоб-китоб пуллари тўлаб берилмаганлигини билдириб, ушбу тўловларнинг ундириб берилишида амалий ёрдам беришни сўраб, туман адлия бўлимига мурожаат қилган.



Мақтабгача таълим муассасаси ХОДИМЛАРИ НИМАДАН НОРОЗИ?

Аниқланишича, 2-сон махсус мактабгача таълим муассасаси Мақтабгача таълим ва зирининг 2020 йил 27 ноябрдаги буйруғига асосан умумий турдаги давлат мактабгача таълим ташкилотига айлантирилган. Бироқ ходимлар билан яқуний ҳисоб-китоб қилинмаган ва тегишли компенсация пуллари тўлаб берилмаган.

Туман адлия бўлими томонидан Пастдарғом туман мактабгача таълим бўлимига ушбу қонунбузилиш ҳолатини бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритилди. Натижада 10 нафар ходимга 38 миллион 413 минг 582 сўм миқдордаги компенсация ва охириги ҳисоб-китоб пуллари тўлиқ тўлаб берилди.

Нуриддин ГУБАЕВ,
Пастдарғом туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ
“ТОЗА ҲУДУД”
ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ


**АЗИЗ ЮРТДОШЛАР ВА
МАМЛАКАТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!**

*Барчангизга саховат ва эзгулик айёми Моҳи
Рамазон ҳайити муборак бўлсин!*

*Хонадонингизга қут-барака,
дастурхонингизга тўкин-сочинлик,
оилангизга тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.*

*Жонажон диёримиз ҳамиша обод, ҳаётимиз
янада фаровон бўлсин.*





ГУЛИСТОН
“МАХСУССУВПУДРАТ”
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ
ЖАМОАСИ

барча ватандошларимизни Рамазон ҳайити билан
самимий кутлайди!

Юртимизни хайру баракот, хонадонларимизни тинчлик-
хотиржамлик ҳеч қачон тарк этмасин!

Танингизга дард яқин йўламасин, ҳар бир кунингиз
рахмат ва мағфират ойидагидек файзли ўтсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!





ҲУҚУҚ ВА АДАБИЁТ ИЖОДКОРИ

ҲАЁТНИНГ ажойиб бир хулосаси бор: йиллар ўтади, ҳамма нарса унутилади. Аммо яхшилик ва яхши ном ҳеч қачон унутилмайди. Бу демак, инсон умрини яхши яшагани — юқори мансаблар, баланд иморатлар, ҳашаматлар билан эмас, балки ўтган умри давомида қилган эзгу амаллари, яхшиликлари, изидан қолдирган хайрли йўллари билан ўлчаш керак, дегани албатта.

Файзулла Қиличев республикаимиз ҳуқуқ оламида ўзига хос мактаб ярат-

ган инсон сифатида кўпчиликнинг юра-гида яшайди. Аммо бу инсоннинг ада-биёт ва матбуот оламидаги ўрни ҳам беқийс. Файзулла ака ўз даврида “Ҳаёт ва қонун” ҳуқуқий журнали ҳамда “Инсон ва қонун” газетаси бирлашган таҳририяти бош муҳаррири сифатида фаолият юритган қалами ўткир журна-лист ҳам эди. Файзулла Қиличев умри-нинг “Ҳаёт ва қонун”, “Ҳаёт ва адабиёт”, “Ҳаёт ва матбуот”, деган саҳифалари билан бирга “Ҳаёт ва виждон”, “Ҳаёт ва инсон” номли ёрқин ва унутилмас ол-

тин варақлари ҳам бор. Ундан қолган билим, тажриба, инсонийлик, камтар-лик, самимият ҳамкасбларига, шо-гирдларига, фарзандларига, яқинла-рига ҳамон қайрилмас қанот ва юксак ишонч бағишлаб келади.

Файзулла ака билан қилган суҳбат-ларимиз ҳарорати неча йиллар ўтса ҳамки, асло совимайди, чўғи ўчмай-ди, улар билдирган теран фикрлар ўз қимматини ҳеч қачон йўқотмайди. Ана шундай олижаноб инсоннинг хотираси қалбимизда умрбод яшайди!

Забардаст журналист эди

МАТБУОТНИ севадиган ҳамюрт-ларимиз, зиёлилар орасида Қурбон Эшматовни танимаган ёки у киши ҳақида эшитмаган инсон топилмас керак. Негаки, Қурбон ака қаламига мансуб ўткир, танқидий-таҳлилий ёхуд публицистик мақолалар, ҳикоя ва шеърлар республикаимизнинг энг олис ҳудудларигача ҳам етиб бор-ган.

Ҳамкасблар хотирасида эса Қ.Эшматов яхши суҳбатдош ва маслаҳатгўй, забардаст журналист ҳамда меҳмоннаво инсон сифатида муҳрланиб қолган.

Университетни тамомлаб, иш фаолиятини янги бошлаган кезла-

рим эди. Ўшанда Қурбон ака мам-лакатимизнинг етакчи нашрларидан бирида ишларди, ҳуқуқий мавзудаги мақолалар учун мессул эди. Шунда мен ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идо-ралар ходимлари билан ҳаммуал-лифликда тайёрлаган мақолаларим-ни олиб бордим. Уларни ўқиб чиққан устозимиз мени рағбатлантирди. Ёш йигит экан, қалами ҳам ўртамиёна журналистларга хос экан, демади, эйтиборсизлик қилмади.

— Яхши ёзибсан, боқса одам бўласан. Бундан кейин сен билан ҳамкорлик қиламиз, — дея кўнглим-ни кўтарди.


Шу билан бирга, ҳуқуқий мавзу-

ларни ёзишда яна нималарга эъти-бор қаратиш лозимлигини тушун-тириб, қимматли маслаҳатларини берди. Шу-шу бўлди-ю, Қурбон ака-га ихлосим янада ошди. Айниқса, қайсидир матбуот саҳифасида унинг кўзойнак тақиб, жилмайиб тур-ган суратини кўрсам, кайфиятим кўтариладиган бўлди. Кейинчалик таҳририятимизга ишга келганда эса, аввалгидан-да яқинлашиб кетдик.

Афсуски, устоз ҳамкасбимиз ҳо-зир ораимизда йўқ. Шу боис, бугунги улуғ айём кунларда Қурбон Эшма-товни янада теранроқ, юқорида таъ-кидлаганимизда яхши фазилатлари билан ёдга олаётимиз.



ҲАР БИРИМИЗНИНГ ҚАЛБИМИЗДАН ЖОЙ ОЛГАН



МИРЗОҲИД Шарипов таҳририяти-мизда энг ёши улуғ инсон бўлиб, у тех-ник ходим вазифасида ишларди. Бутун жамоанинг кўнглидан жой олган бу киши ҳаммамизни иззат қиларди.

Айниқса, Мирзоҳид ака ҳар кун ишга келганимизда эшик олдида ту-риб, очиқ чеҳра билан кутиб оларди. Ундан кейин эса хоҳловчиларга ўзи дамлаган кўк чойдан бир пиёладан тутиб чиқарди. Шу билан бирга, ҳа-зил-хузул қилиб, ҳамманинг кайфия-тини кўтарарди. Ана шундай инсоний фазилатлари, одамхунлиги туфайли

бўлса керак, яқин дўсти — Ўзбекистон-да хизмат кўрсатган артист, “Телеви-зион миниатюралар театри” кўрсатуви фаоли Абдуҳолиқ Мамарасулов тез-тез унинг олдида келиб суҳбатлашиб ўтиришни яхши кўрарди.


Мирзоҳид Шариповнинг ҳамма яхши кўрадиган яна бир фазилати бу — тозалikka, саранжом-саристаликка жиддий эътибори эди.

— Отам уйда, яъни ҳовлида ҳам то-заликни маҳкам тутардилар. Ҳовлида чиқинди кўринмас, кафтдеккина ери-мизда райҳонлар экилган бўлиб, баҳри

дилигиз очиларди, — дея хотирлай-ди айни пайтда отасининг ёрнида ишлаётган жамоадодимиз Ботиржон Шарипов.

Дарҳақиқат, ўзимиз гувоҳимиз, Бо-тиржоннинг 2 нафар ўғли Муслимбек ва Мустафолар ҳам таҳририят биноси-га келиб, у ёки бу юмушларга, хусусан, ҳовлидаги супур-сидирларга ҳамиша ёрдамлашиб туришарди. Аниқроқ айт-ганда, Мирзоҳид акадаги кўпгина фа-зилатлар набираларига ҳам ўтган экан.

Бундай олижаноб инсонни эса, ҳеч ким унутмайди.



**ҚУЙИ СИРДАРЁ ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ
ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ВА
“СИРДАРЁ СУВ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ”
ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАЛАРИ**

барча юрtdoшларимизни Рамазон ҳайити билан муборакбод этади. Мазкур байрамнинг 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни айёми билан кетма-кет нишонланаётганида ҳам теран маъно-мазмун мужассам.

Тилагимиз — ана шу улуғ кунларда амалга оширилаётган меҳр-оқибат, саховат ва эзгуликка йўғрилган ишларимиз йил бўйи бардавом бўлсин.

Ватан озодлиги йўлида жон берган ота-боболаримиз руҳи ҳамиша шод бўлсин.

